

МАККАЖЎХОР МАЙДОНЛАРИДА БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ГЕРБИЦИДЛАР ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ.

Усманов Санжарбек Пахлавонович, қ.х.ф.ф.д.(PhD), доцент,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

Аннотация. Мақолада маккажўхори экилган майдонлардаги бегона ўтларга қарши гербицидларни қўллаш муддатлари ва меъёрлар, гербицидларни бегона ўтларга қарши биологик самарадорлиги, ўсимликнинг ўсишига ва пишиш муддатига, сўтадаги дон сони ва вазнига таъсири ўрганиб таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маккажўхори, бегона ўтлар, гербицидлар, меъёр, уруғлар, экиш муддатлари, вегетацияси.

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ГЕРБИЦИДОВ НА СОРНЯКИ НА КУКУРУЗНЫХ ПОЛЯХ.

Усманов Санжарбек Пахлавонович,
кандидат медицинских наук (PhD), доцент,
Андижанский институт сельского
хозяйства и агротехнологий.

Аннотация. В статье изучены сроки и нормы применения гербицидов против сорняков на посевных площадях кукурузы, биологическая эффективность гербицидов против сорняков, влияние на рост и сроки созревания растения, количество и массу зерен в дернине и проанализировано.

Ключевые слова: кукуруза, сорняки, гербициды, нормы, семена, сроки посадки, вегетация.

STUDYING THE EFFECT OF HERBICIDES ON WEEDS IN CORN FIELDS.

Usmanov Sanzharbek Pakhlavonovich
candidate of medical sciences (PhD), associate professor,
Andijan Institute of Agriculture and
Agricultural Technologies.

Annotation. The article studied the timing and norms of using herbicides against weeds on corn sown areas, the biological effectiveness of herbicides against weeds, the effect on the growth and timing of plant ripening, the number and weight of grains in the turf and analyzed.

Key words: corn, weeds, herbicides, norms, seeds, planting dates, growing season.

Кирини. Бугунги кунда дунёнинг 165 мамлакатада йилига 188,0 млн. гектарга яқин майдонда маккажўхори парваришланиб, “ялпи дон ҳосилдорлиги 1060,3 млн. тоннани, гектар ҳисобига эса ўртача 49,3 центнерни ташкил этмоқда”. Маккажўхори ўсимлигидан юқори дон ҳосили етиштиришда минерал озуқа ва сувга тенгма тенг шерик бўлаётган бегона ўтларга қарши курашишнинг уйғунлашган тизимини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида маккажўхори экини ер майдонининг 51 минг гектардан 75 минг гектарга босқичма–босқич кенгайтириш, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш ва чорвани сифатли озуқа базасини шакллантиришга ҳукуратимиз томонидан катта эътибор берилмоқда ва чуқур ислохотлар ўтказилмоқда.

Тадқиқот материаллари ва услуги. Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретения, рационализаторских предложений», математик-статистик таҳлилларда ўтказишда Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот олиб борилган 2022-2024 йиллар мобайнида маккажўхори ўсимлиги орасида табиий равишда ўсиб чиққан бегона ўтларга қарши гербицид қўллашни самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордик. Бегона ўтларни ҳисоблашда 12 та, оқ шўра, елпигичмева олабута, элма хантал, ёввойи карам, ачамбити, оддий бангидевона, ёввойи турп, оддий қўйтикан, доривор чумчукўт, қўноқ, яшил қўноқ, ёввойи сули

каби турли бегона ўтлар ҳисобга олинди. Маккажўхори уруғларини экиш билан бирга бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланилган вариантларда бегона ўтларнинг униб чиқиши вариантлар кесимида ўрганиб чиқилганида, 15 кунда гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан уруғ экиш билан бирга Стомп гербициди 4,0 л/га меъёрида қўлланилган вариантда 50 дона/м² га кам бўлиб, 12,4 дона/м² ни, бегона ўтларнинг камайиши 80,2% ни кўрсатган бўлса, уруғларни экиш билан бирга Супер стомп 33% эм.к. гербициди 3,0-6,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда бегона ўтларнинг униб чиқиши 51,4-53,1 дона/м² га камайиб, бегона ўтларнинг камайиши 82,4-85,2% га тенг бўлгани ҳолда 11,0-9,3 дона/м² ни ташкил этганлиги аниқланди.

Уруғларни экиш билан бирга гербицид қўлланилганидан сўнг 30 кун ўтгач вариантлар кесимида бегона ўтлар миқдори ҳисобланганида, уруғларни экиш билан бирга гербицид қўлланилмаган назорат вариантига нисбатан уруғ экиш билан бирга Стомп гербициди 4,0 л/га меъёрида қўлланилган вариантда бегона ўтлар сони 52,4 дона/м² га камайиб, 10,0 дона/м² ни, бегона ўтларнинг камайиши эса 84,0% га тенг бўлган бўлса, уруғларни экиш билан бирга Супер стомп 33% эм.к. гербициди 3,0-6,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда бегона ўтлар миқдори 54,2-55,5 дона/м² га камайиб, бегона ўтларнинг камайиши 86,9-88,9% ни, бегона ўтлар миқдори эса мос равишда 8,2-6,9 дона/м² ни ташкил этганлиги кузатилди.

Жумладан, уруғларни экиш билан бирга бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан уруғ экиш билан бирга Стомп гербициди 4,0 л/га меъёрида қўлланилган вариантда бегона ўтлар сони 50,9 дона/м² га кам бўлиб, 11,5 дона/м² ни, бегона ўтларнинг камайиш кўрсаткичи эса 81,7% ни ташкил этган бўлса, уруғларни экиш билан бирга Супер стомп 33% эм.к. гербициди 3,0-6,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда бегона ўтларнинг камайиши 52,5-54,0 дона/м² ни ташкил этиб, бегона ўтларнинг камайиши 84,3-86,6% гача камайганлиги кузатилган ҳолда 9,9-8,4 дона/м² ни ташкил этганлиги қайд этилди.

№	Бегона ўтларнинг номлари	Назорат гербицидсиз, дона/м ²	Стомп 4,0 л/га (эталон)		Супер стомп, 33% эм.к. 3,0 л/га		Супер стомп, 33% эм.к. 6,0 л/га	
			дона/м ²	%	дона/м ²	%	дона/м ²	%
Гербицид сепилгандан 60 кун кейин								
1	Оқ шўра	5,9	1,1	81,5	0,9	84,4	0,8	86,0
2	Елпиғичмева олабута	4,6	0,6	86,6	0,5	88,1	0,5	89,7
3	Экма хантал	5,6	1,0	82,9	0,8	85,4	0,7	88,0
4	Ёввойи карам	5,9	1,2	80,1	1,0	83,0	0,9	85,3
5	Ачамбити	4,6	0,9	80,3	0,8	83,1	0,6	86,5
6	Оддий бангидевона	5,6	1,0	82,0	0,9	84,3	0,8	86,5
7	Ёввойи турп	4,6	0,6	86,8	0,4	90,6	0,4	92,0
8	Оддий кўйтикан	4,6	1,2	74,2	1,1	76,3	1,0	77,4
9	Доривор чумчуқўт	5,8	1,0	82,7	0,8	85,7	0,6	89,5
10	Кўноқ	5,5	1,1	80,2	0,9	83,1	0,7	86,4
11	Яшил кўноқ	4,4	0,6	86,2	0,5	88,2	0,4	91,2
12	Ёввойи сули	5,3	1,2	77,5	1,1	79,2	1,0	81,4
	Жами:	62,4	11,5	–	9,9	–	8,4	–
	Ўртача:	5,2	1,0	81,7	0,8	84,3	0,7	86,6

Уруғ экиш билан бирга гербицид қўллаш меъёрларини самарадорлиги

Маккажўхори уруғларини экиш билан бирга гербицид қўллаш фонига жойланган вариантларда бегона ўтларнинг камайиб бориш ҳолати шуни кўрсатдики, бегона ўтларга қарши гербицид қўллашнинг дастлабки 15 кунни ҳамда 30 кунда гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилган вариантларда бегона ўтларнинг

камайиб бориши кузатилган бўлса, 60 кунига келиб, аксинча бегона ўтлар сони 1,5 дона/м² дан 1,7-1,3 донагача кўпайиб борганлиги кузатилди.

Хулоса. Уруғларни экиш билан бирга бегона ўтларга қарши Супер стомп, 33% эм.к. гербицидини 3,0–6,0 л/га меъёрларда қўлланилган 3–4 вариантларда парвариш қилинган маккажўхори ўсимлигини ҳосил элементлари таҳлил қилинганида эса амал даври охирига келиб, ўсимликнинг бўйи ўртача 188,0–185,0 см ни, бир тупда барглар сони ўртача 17,9–17,7 донани, бир тупда сўталар сони ўртача 1,0 донани, битта сўтада донлар сони 366,5–360,6 донани ҳамда 1000 дона дон вазни 383,3–378,7 гр ни ташкил этиб, уруғларни экиш билан бирга гербицид қўлланилмаган назорат 1–вариантга нисбатан ўсимлик бўйи 70,0–67,0 см га, бир тупда барглар сони 7,8–7,6 донага, битта сўтада донлар сони 107,1–101,2 донага ва 1000 дона дон вазни 104,1–99,5 гр га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Ўзбекистон Пахтачилик илмий–тадқиқот институти. Тошкент, 2014. Б. 36–51.

2. Бахромов С., Махмудов О., Тешабаев Ш. Бегона ўтларга қарши курашда тупроққа турли усулда ишлов бериб, гербицидлар қўллашнинг фўза униб чиқиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали № 2–сон. Тошкент–2020. Б. 39.

3. Бобоев Ф. Анғизга экилган маккажўхори дурагайи барг юзасининг дон ва кўк масса ҳосилига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг Агро илм илмий иловаси №4 (36) –сон, Б. 31.

4. Усманов Санжарбек Пахлавонович., Гуломжонов Қудрат Шухратбек ўғли., Мирзакаримова Санамхон Ахмаджонова., "INTERNATION CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING" 2022/5.217-222 б.

5 Джўраев М.Я., Хусанов Б. Ғалла майдонларидаги бегона ўтларга қарши курашишда янги кимёвий препаратлар гербицидларнинг самарадорлиги // Ўзбекистон Республикасида бошоқли, дуккакли дон

экинлари янги навларининг истиқболлари, четдан келтирилган янги навлар интродукцияси ва замонавий ресурс тежамкор етиштириш агротехнологиялари мавзусидаги халқаро илмий–амалий конференция мақолалари тўплами. Андижон, 2019 йил, 21–22 май. Б. 244–248.

6. Жумабоев З., Махмудов О. Ш.Тешабаев. Бегона ўтларга қарши агротехник кураш усулларини тупроқнинг хажм массаси ҳамда кузги буғдой хосилдорлигига таъсири. //Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. Вестник аграрной науки узбекистана. №4 (78) 2019. Б. 46–49.